



**ДАВЛАТ СОЛИҚ
СИЁСАТИНИНГ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ
ИМКОНИЯТЛАРИ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИНГ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

«QAMAR MEDIA»

2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**ДАВЛАТ СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ
ИМКОНИЯТЛАРИ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИНГ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Халқаро илмий-амалий
анжуман материаллари тўплами
2023 йил 26 апрель*

**ТОШКЕНТ
«QAMAR MEDIA»
2023**

УЎК 336.02(575.1)
КБК 65.261.4(5Ў3б)

Тахрир ҳайъати аъзолари:

Кузиева Н.Р., Санақулова Б.Р., Широнов С.Э., Усманова М.С., Аманов А.М., Қиёсов Ш.У., Джамалов Х.Н., Базаров Ф.О., Бердиева У.А., Зарипов Х.Б., Сабилов М.Қ., Артиков Н.А., Ибрагимов Б.Б., Шодиев О.А, Сафарова Ш.А.

«Давлат солиқ сиёсатининг трансформацияси имкониятлари ва самарадорлигининг истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Т.: «QAMAR MEDIA», 2023. – 759 б.

Мазкур илмий-амалий анжуман материаллари Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган солиқ сиёсатини такомиллаштириш жиҳатларини қамраб олган ҳамда улар юзасидан муаллифларнинг фикр-мулоҳазаларини ўзида мужассам этган. Илмий тезисларнинг мазмуни ва унда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Сборник материалов научно-практической конференции включают в себя приоритетные направления Стратегии развития совершенствования налоговой политики в повышении конкурентоспособности национальной экономики, а также научные взгляды и собственные мнения авторов. Следует отметить, что за содержание текста тезиса ответственность несут авторы.

The materials of the scientific-practical conference include the topical problems of improving tax policy to improve the competitiveness of national economy, as well as scientific views and opinions of the author's. It should be noted that, the authors of the abstracts are responsible for the content of the text.

Номазов Б.Б.

Қарши мухандислик-иқтисодиёт

институтини мустақил тадқиқотчиси

СОЛИҚ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИНING КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ВАЗИФАЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация: Тезисда Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштириш вазифалари ва уларнинг ижроси сарҳисоб қилинган ҳамда унинг яқин истиқболдаги йўналишлари илмий асослаб берилган.

Калит сўзлар: солиқ тизими, солиқлар тизими, модернизация, солиқ тизими модернизацияси, солиқ тизими модернизациясининг концептуал асослари

Иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёни, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашда солиқ тизими фаол иштирокини таъминлаш, фискал сиёсат ва солиқ тўловчилар солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашуви, солиқ маъмуриятчилигининг самарали воситаларини давлат томонидан қўллаш кўп жиҳатдан солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштиришга ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур масала 29.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тугрисида”ги ПФ№5468-сонли Ўзбекистон Президенти Фармонида алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон Қарори ва у асосида «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси» каби меъёрий ҳужжатлар айнан солиқ тизими модернизацияси концептуал асосларини такомиллаштириш масаласини кун тартибига куйди. Шунинг учун бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг, солиқ тизими модернизациясининг концептуал асослари билан бир қаторда жаҳон солиқ амалиётининг самарали солиққа тортиш моделларига, етакчи брендларига оид амалий масалаларининг концептуал асосларини алоҳида бир йўналиши сифатида комплекс ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»[1]да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» белгиланган. Мазкур вазифалар “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди: «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ

маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш[2]» муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштиришни тадқиқ этиш вазифаларига қуйидагиларни киритиш лозим:

- солиқ тизими модернизацияси: зарурлиги, мазмуни, генезиси ва ҳозирги замон шароитидаги трансформациясини тадқиқ этиш;

- солиқ тизими модернизациясининг концептуал асослари ва шартларини ёритиш;

- солиқ тизими модернизацияси самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларини ўрганиш;

- ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими модернизациясининг ривожланиш қонуниятлари, ундаги тизимли муаммолар ва уларни ҳал қилишга оид давлат тадбирлари таҳлилин аналга ошириш;

- солиқ тизими фаолияти самарадорлигини баҳолашга методик ёндошувлар, самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- солиқли даромадлар ижроси омилларини иқтисодий моделлаштириш ва солиқ тизими самарадорлигининг интеграл кўрсаткичини ишлаб чиқиш;

- Янги Ўзбекистон солиқ тизимини модернизациялаш концепциясининг илмий-услубий жиҳатларини асослаш;

- солиқ тизими фаолияти самарали моделини шакллантириш истиқболларини илмий асослаш.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштириш вазифалари тадқиқи натижаларининг илмий янгилигини янада аниқ тарзда қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларига асосланган янги солиқ сиёсати асосида солиқ тўловчилар учун яратилган шароит ва иқтисодий базис, ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда “солиқ тизими модернизациясининг зарурлиги, моҳияти, самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари” тушунчаси мазмунига комплекс-синергетик ва тизимли ёндошувларга асосланган янги таъриф берилди;

- солиқ амалиёти тадқиқи асосида, солиқ тизими модернизацияси концептуал асосларига риоя этилиши ҳолатининг тадқиқи асосида унинг тизимли муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга оид таклифлар тавсия этилади;

- солиқ тизими модернизациясини унинг фаолияти натижалари омилларини комплекс баҳолаш услубиёти таклиф этилади;

- жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва ижтимоий функция самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизминини ишлаб чиқиш зарурлиги илмий асосланади;

- Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишлари юзасидан комплекс тадбирлар тизими илмий асослаб берилади;

- Янги Ўзбекистон солиқ тизимини модернизациялаш концепциясининг илмий-услубий жиҳатлари асослаб берилади;

- мамлакатимизда солиқ тизими фаолияти самарали моделини шакллантириш истиқболлари ёритилади.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.